

Юқори синф ўқувчиларида фаол фуқаролик позициясини ривожлантиришнинг педагогик ва психологик хусусиятлари

Дилшодбек Юлдашали ўғли Абдуллаев
abdullayevdilshodbek1992@mail.ru
Наманган давлат университети

Аннотация: Мақолада юқори синф ўқувчиларда фаол фуқаролик позициясини ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари, билиш жараёни ташкил этиш босқичлари, психологик омиллари, мезонлари ва фаол фуқаролик позициясини ривожлантиришнинг психологик ва педагогик асослари ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: омил, мезон, билиш жараёнлари, фуқаро, фуқаролик, фаол фуқаролик, фуқаролик тарбияси, фаол фуқаровийлик, фуқаровийлик

Pedagogical and psychological features of the development of an active civic position in high school students

Dilshodbek Yuldashali ugli Abdullaev
abdullayevdilshodbek1992@mail.ru
Namangan State University

Abstract: The article discusses the pedagogical and psychological features of the development of an active civic position in high school students, the stages of organizing the cognitive process, psychological factors, criteria, and the psychological and pedagogical foundations of the development of an active civic position.

Keywords: factor, criterion, cognitive processes, citizen, citizenship, active citizenship, civic education, active citizenship, citizenship

Мамлакатимизда эркин, демократик фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижасида Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг сиёсий-хукуқий, ижтимоий-иктисодий ва илмий маърифий асослари яратилди. «Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари» тамойили асосида асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, инсон хукуклари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотларнинг устувор йўналишларини

белгилаш мақсадида «Ҳаракатлар стратегиясидан - Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тасдиқланди¹.

Тараққиёт стратегиясининг биринчи устувор йўналишининг мазмун моҳияти инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантиришга орқали халқпарвар давлат барпо этишнинг мақсадларида ўз ифодасини топган бўлиб, унда асосий эътибор маҳалла институти, Халқ депутатлари Кенгашлари, Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партиялар ролини оширишга қаратилган.

Маълумки, тарбиянинг энг муҳим вазифаси ёш авлодда мустаҳкам эътиқод ва ҳис-туйғулар ҳамда уларга асосланган маънавий хулқ-авторни ҳосил қилишдир. Бу вазифани шахсни фаол ва муайян мақсадни қўзлаган ҳолда таркиб топтиришнинг педагогик-психологик қонуниятларини, унинг маънавий-ахлоқий тараққиёт қонуниятларини, шунингдек ўқувчи-ёшларнинг индивидуал хусусиятларини билишга таянган тақдирдагина муваффақиятли ҳал этиш мумкин.

Психологияда илк ўспиринлик ёши даврига 15-18 ёшлардаги (IX-XI синф) ўқувчилар киради. Илк ўспириннииг шахси ижтимоий ҳаётда, мактаб жамоасида, тенгқурлари билан муносабатларда эгаллаган мутлақо янгича мавқеи таъсирида, ўқиш ва турмуш шароитидаги ўзгаришлар таъсирида таркиб топа бошлайди.

Психологларнинг таъкидлашича, ўспиринлик - бу одамнинг фуқаро сифатида шаклланиши, унинг ижтимоий жиҳатдан етилиши, ўз тақдирини ўзи ҳал қилиши, ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиш даври, фуқаро ва ватанпарварнинг маънавий сифатлари таркиб топадиган даврdir.

Рус психологи Л.И.Вожович илк ўспиринлик даврида шахс мотивацион соҳасининг ривожланишига ургу беради: ўқувчиларнинг ҳаётда ўз ўрнини ва ички позициясини аниқлаши, дунёқарашнинг шаклланиши ва унинг билиш фаолиятида, ўз-ўзини англашга ва ахлоқий онгга таъсири назарда тутилади².

Шу нуқтаи назардан тадқиқот ишимизда умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчиларини фаол фуқаро сифатида шакллантириш жараёнига эътибор қаратиш зарурлигини илмий-назарий жиҳатдан асослашга ҳаракат қилдик. Чунки ўқувчилар мактабни тугатгач, жисмонан бақувват, мустақил меҳнат қила оладиган, олий мактабда ўзини синаб кўрадиган имкониятга эга бўлади, маънавий жиҳатдан етуклика эришади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли Фармони.

²Nishanova Z.T., Kamilova N.G. va boshqalar. Rivojlanish psixologiyasi. Pedagogik psixologiya. -T.: “O’zbekiston faylasuflari milliy jamiyati”, 2018 y, -602 b.

Психолог Э.Фозиев фикрича, илк ўспирин 16 ёшида мамлакат фуқароси ва 18 ёшида сайлаш ва сайланиш хуқуқига эга бўлади, шу нуктаи назардан буларнинг барчаси илк ўспиринга фуқаро сифатида ижтимоий жиҳатдан вояга етиши, ҳаётда ўз ўрини топиши, ўз тақдирини ўзи ҳал қилиши ва етук шахс сифатида маънавий ўсиши учун жамики шарт-шароитларни яратади³.

Юқори синф ўқувчиларида ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиш, таълим характерининг ўзгариши уларда илмий дунёқарааш, чинакам эътиқод ҳамда юксак инсоний туйғуларнинг намоён бўлиши, ҳаётда мустаҳкам позицияни эгаллаш учун ҳаётий мақсадларни белгилаш каби ижобий хусусиятлар шаклана бошлайди.

Мазкур даврнинг яна бир хусусияти - меҳнат билан таълим фаолиятининг бир хил аҳамият касб этишидан иборатdir. Мавжуд шарт-шароитлар таъсири остида ўспириннинг ақлий ва ахлоқий жиҳатдан ўсишида ўзига хос ўзгаришлар, янги хислат ва фазилатлар намоён бўлади. Юқори синф ўқувчилари ижтимоий ҳаётдаги долзарб вазифаларни ҳал қилишда фаол иштирок эта бошлайдилар.

Юқори синф ўқувчиларининг ҳаёт фаолияти кенгайган сари ижтиомий роллар кенглиги фақат миқдор жиҳатдан эмас, балки сифат жиҳатидан ҳам ўзгаради. Масалан, ўспириннинг 16 ёшида фуқаролик паспортини олиши, 18 ёшдан фаол сайлаш ва оила қуриш имкониятига эга бўлади. Шу билан бирга ўспирин хатти-ҳаракати ёки жиноий ишлар учун жавобгарликка ҳам тортилади.

Юқори синф ўқувчилари ўзларининг психологик хусусиятлари билан бошқа ёш даврдаги болалардан кескин фарқ қиласидилар. Жисмоний ҳамда ақлий жиҳатдан вояга етган, камолотта эришган, дунёқараши, ўз-ўзини бошқариши каби етук инсоний хусусиятлари таркиб топган бўлади. Улар вазмин, мулоҳазали бўладилар, катта ёшдагиларга хурмат-эҳтиром билан карайдилар. Улар узоқни кўзлайдиган, келажак учун қайғурадиган, ота-оналарининг яқин ёрдамчисига айланадилар.

Ўқув фаолияти ўспириннинг асосий фаолияти бўлиб колаверади, ўқишига нисбатан ўсмирилик ёшига қараганда ўспиринликда бир мунча юқорироқ бўлади. Мустақил ҳаётга тайёргарлигини ўз-ўзини англаши билан мотивлар бу даврда етакчи ўринни эгаллайди. Мотивлар тизимида жамиятнинг тўлаконли асоси бўлишга интилиш, инсонларга наф келтириш каби ижтимоий мотивлар устунлик қиласидилар.

Бу даврда ўспиринларнинг келгуси ҳаётий ва танлаётган касбий режаларига кўра фанларга нисбатан қизикишлари ўзгаради, ўспириннинг фанларга ҳамда шу фан ўқитувчиларига нисбатан муносабати ўзгаради. Ўспиринлик даврида ўзи кўзлаган мақсадларига эришишга асосланган

³ Фозиев.Э. Онтогенез психологияси. Назарий-экспериментал таҳлил / -Т.: "Noshir", 2010, 360 б.

мотивлар биринчи ўринга кўтарилади. Ўсмирлар ўзларининг катталарга бўлган муносабатлари ва уларнинг ўқиш-ўрганишга ундовчи сабабларни яхши англайдилар. Ўспиринлик ёшида бошдан кечириладиган ҳис-туйғуларнинг бойлиги, хилма-хиллиги билан, ҳаётнинг турли томонларига эмоционал муносабатда бўлиши билан ажralиб туради. Ахлоқий ва ижтимоий, сиёсий хисларнинг ривожланиши айниқса характерлидир. Улар одатда муайян ахлоқий талаблар билан ўзаро тўғри муносабатда бўладилар.

Ижтимоий ҳаётда фаол қатнашиш, таълим характерининг ўзгариши йигит ва қизларда илмий дунёқарашибар, барқарор эътиқоднинг шаклланишига, юксак инсоний ҳис-туйғунинг вужудга келишига, билимни ўзлаштиришга ижодий ёндашишини кучайишига олиб келади.

Ҳаётда ўз ўрнини топишга интилиш касб-ҳунар эгаллаш, ихтисосликни танлаш, истиқбол режасини тузиш, келажакка жиддий муносабатда бўлишни келтириб чиқаради. Бироқ бу давр куч-ғайрат, шижаот, қаҳрамонлик кўрсатишга уриниш, жамоат, жамият ва табиат ҳодисаларига романтик муносабатда бўлиш билан бошқа ёш даврларидан кескин фарқланади.

Айниқса, турмуш ва ўқиш фаолиятларининг янгича шарт-шароитлари синф жамоасидаги ўзгача вазият, ўспиринларнинг мактабда эгаллаган юқори мавқеи, жамоатчилик ишларида тажриба орттиришлари улар олдига юксак талаб ҳамда масъулиятли вазифалар қўяди. Бу даврда юқори синф ўқувчилари мактаб мұхитида ташкилотчилик, раҳбарлик, тарбиячилик, ташвиқотчилик вазифаларини ўтай бошлайдилар.

Илк ўспиринлик ёшидаги ўзгаришлар мактаб, оила, шахслараро муносабатлардаги мавқени янада мустаҳкамлашнинг мухим омили ҳисобланади. Лекин етакчи омил юқори синф ўқувчиси фаолиятининг хусусияти, мохияти ва мазмунидаги туб бурилишdir.

Ўспиринларда аввало ўзини англашдаги силжиш яққол кўзга ташланади. Бу ҳол шунчаки ўсишни билдиrmайди, балки ўз шахсиятининг, маънавий-психологик фазилатларини, фаол ижтимоий турмуш тарзининг мақсад ва вазифаларини англашни, оқилона баҳолашни акс эттиради. Ўспиринда ўзининг руҳий дунёсини, шахсий фазилатларини, ақл-заковатини, қобилияти ҳамда имкониятини аниқлашга интилиш қучаяди. Ўз хулқ-авторини жиловлаш, ҳис-туйғулари ҳамда ички кечинмаларини тушуниш иштиёқи вужудга кела бошлайди.

Ўспириндаги ўзини англаш турмуш, ўқиш, меҳнат ва спорт фаолиятлари тақозоси билан намоён бўлади. Мактабдаги одатланилмаган вазиятнинг шахслараро муносабат ва мулоқот кўламигининг кенгайиши ўзининг ақлий, ахлоқий, иродавий ҳис-туйғуларининг хусусиятларини оқилона баҳолаш,

қўйилаётган талабларга жавоб тариқасида ёндашиш ўзини англашни жадаллаштиради.

Юқори синф ўқувчиларининг ўзини англашга алоқадор хусусиятлари мавжуд, яъни улар аввал, ўзларининг кучли ва заиф жиҳатларини, ютуқ ва камчиликларини, муносиб ва номуносиб қиликларини аниқроқ баҳолаш имкониятига эга бўладилар. Агар ўсмирда атрофдаги кишиларнинг оқилона баҳолашлари орқали аниқ баҳолаш юзага келса, ўспиринда бу ҳолат бошқачароқ тарзда кечади, унда ўз шахсий фазилатини, хулқ-атворини, ақлий ва жисмоний меҳнат фаолиятини таҳлил қилиш, қиёсий баҳолаш майли кучаяди.

Ўспирин ўсмирга қараганда ўз маънавияти ва руҳиятининг хусусиятларини тўлароқ тасаввур эта олса ҳам, уларни оқилона баҳолашда камчиликларга йўл қўяди. Натижада у ўз хусусиятларига ортиқча баҳо бериб, манманлик, такаббурлик, кибрланиш иллатига дучор бўлади, синф ва педагоглар жамоаларининг аъзоларига гайритабиий муносабатда бўла бошлайди. Шунингдек айrim ўспиринлар ўз хатти-харакатлари, ақлий имкониятлари ва қизиқишлирига паст баҳо берадилар ва ўзларини камтарона тутишга интиладилар.

Ўспирин ўқувчиларнинг ўзини ўзи тарбиялаши мактабда жамоатчилик ташкилотларининг, педагоглар жамоасининг тарбиявий таъсири доирасида амалга ошиши шарт. Зероки, ўзини ўзи такомиллаштириш жамоада муносиб ўрин эгаллаш, ижтимоий бурчни англаш ва фойдали меҳнатга қизиқишига хизмат қилиши керак.

Юқори синф ўқувчилари маънавий хислатларга, ахлоқ нормаларининг моҳиятига жиддий муносабатда бўладилар. Улар ахлоқий туркумлар, бирликларнинг мазмунини чукур англай бошлайдилар, ҳар қайси ахлоқий тушунчанинг нозиклиги ва кўп маънолигини билишга ҳаракат қиласидилар. Масалан, бурч, виждон, ғуур, қадр-қиммат, фахрланиш, масъулият, ор-номус каби тушунчаларни чукур таҳлил қила оладилар. Лекин уларнинг ҳаммаларини бу ахлоқий тушунчаларни яхши англайдилар, деб бўлмайди. Шунга кўра тўғри ахлоқий қарашлар, тасаввурлар таркиб топиши учун адолатли турмуш тарзининг ўзи етарли, дейиш мумкин эмас. Педагогик жараёнда хотиржамликка йўл қўймаслик, соғлом муҳит яратиш, барқарор шахсни таркиб топтириш учун доимо изланиши зарур. Шунингдек, мактабда, таълим ва тарбия ишлари изчил олиб борилмаса, йигит ва қизларда чинакам, барқарор эътиқодлар шаклланмайди.

Ўспиринларда ахлоқий тушунчаларни оқилона шакллантириш лозим, уларга ножӯя хулқ-атвор, чет эл фильмларининг мазмуни маънавиятга ва руҳиятга салбий таъсир этишини тушунтириш зарур. Ижтимоий ҳаётда

учрайдиган ярамас юриш-туришларга, иллатларга зарба бериш, уларнинг таъсиридан йигит ва қизларни асраш педагоглар жамоасининг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Ўспиринларда балофатга етиш туйғуси такомиллашиб бориб, ўзининг ўрнини белгилаш ва маънавий дунёсини ифодалаш туйғусига айланади. Бу ҳол унинг ўзини алоҳида шахс эканлигини, ўзига хос хислатини тан олинишига интилишида акс этади. Бунга эса модаларга майл қўйиш, мураккаб тасвирий санъатга, мусиқага, касб-хунарга, табиятга қизиқишини намойиш қилиш яққол далиллариди.

Ўспиринларнинг яна бир муҳим хислати уларда юксак даражадаги дўстлик, ўртоқлик, улфатчилик, муҳаббатнинг вужудга келишидир. Шу хист туйғулар йигит ва қизларнинг маънавияти ва психологиясида қандай тус олишига қараб, тарбиявий чора ва тадбирларни амалга ошириш яхши натижа беради. Синфдаги ҳамкорлик фаолиятида ўзаро ёрдам ҳамжиҳатлилик, интилиш ва манфаатлар бирлигига асосланган ўртоқлик муносабатлари юзага келади.

Шунингдек, юқори синф ўқувчиларида психик ривожланишни ҳаракатга келтирувчи куч жамоат ташкилотлари, синф жамоаси, таълим жараёни қўядиган талаблар даражасининг ошиши билан ўқувчи эришган психик тараққиёт ўртасидаги зиддиятдан иборатdir.


Шахс бир бутун мавжудот бўлиб, ундаги ҳар бир сифат бошқа сифатлар билан узвий равишда боғланиб кетган бўлади, бинобарин, шахснинг ҳар бир хислати унинг бошқа хислатларига бўлган муносабатларига қараб ўз аҳамиятини, кўпинча мутлақо ҳар хил аҳамиятларини касб этади. Масалан, қатъиятлик узоқ муддат давомида мақсадга эриша олиш хислати сифатида қийинчиликлар ва тўсиқларни енгиб, юксак маънавий ҳислар, тараққий этган жамоа ҳисси билан бирга қўшилган тақдирдагина ижобий аҳамият касб этади. Агар бу хислат кучли тараққий этган худбинлик эҳтиёжлари билан жамоа, бошқа кишилар манфаатларини менсимасдан, шахсий манфаатларга эришишга интилиш билан боғлиқ бўлса, мутлақо бошқача мазмун касб этади. Мактаб ўқувчисининг муайян қоидалар ва меъёрларни билиши маънавий хулқатворнинг зарур шартидир.

Бугун жамият ҳаётида кечеётган демократик ислоҳотлар жадал суръатлар билан ривожланишида, муҳим бунёдкорлик ишларини амалга оширишда мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш қаби мақсадлар сари интилиш кузатилаётган экан, демократиянинг тақдири ҳам кучли фуқаролик жамиятининг қарор топиши ҳам фуқароларнинг ижтимоий-маънавий жараёнлардаги иштирокига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Шу боис, мамлакатимизда ёш авлод тарбиясида ғоявий-сиёсий ва ахлоқий тарбия

узвийлигини таъминлашга эҳтиёж сезилди. Чунки чинакам демократик, фуқаролик жамиятини барпо этишда ғоявий-сиёсий ва ахлоқий жиҳатдан етук ва фаол ёшларнинг иштироки муҳим аҳамият касб этади⁴.

“Фаоллик” масаласи фалсафа, педагогика ва психологиянинг тадқиқот предмети ҳисобланади. Файласуф А.Хотамов фаолликни моддий системаларининг тўхтовсиз давом этадиган ўз-ўзидан ҳаракат қила олиш қобилиятидир, деб таърифлайди. Материянинг ажралмас ва умумий хусусияти бўлган фаолликни учта шаклга: оддий (нотирик табиат), биологик ва ижтимоий (инсоннинг амалий ва назарий) фаолликка ажратиб, биологик ва ижтимоий фаолликларни функционал фаолликлар деб аташ мумкинлигини таъкидлайди⁵.

Юқори синф ўқувчиларининг фаол фуқаролик позициясини ривожлантиришнинг педагогик хусусиятлари кўп жиҳатдан ўқувчиларнинг шахсий тараққиёти, жамиятга бўлган муносабати, хукуқ ва мажбуриятларга бўлган эътиборига боғлиқ. Бу масалани тушуниб этиш учун, педагогикадан бир неча асосий йўналишлар бўйича қарашларни келтириш мумкин:



1.3.2-расм. Юқори синф ўқувчиларининг фаол фуқаролик позициясини ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари

Юқори синф ўқувчилари, ўзини мустақил фуқаро сифатида ҳис этишга, ўз фикр ва қарашларини билдиришга интилади. Шунинг учун педагогик жараёнда ўқувчиларнинг шахсий эҳтиёжларини ва қизиқишларини ҳисобга олиш муҳим. Бунда ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш, муаммоларни ҳал қилиш қобилиятлари ривожлантирилади.

Фаол фуқаролик позициясини шакллантиришда ўқувчиларнинг хукуқлари, уларнинг жамиятдаги ўрни, бурч ва мажбуриятлари ҳақидаги тушунчаларини аниқлаштириш зарур. Педагогик жараёнда ўқувчиларга давлат ва жамиятнинг

⁴ Мусурмонкулов 0.Ижтимоий-маънавий муаммолар ва уларнинг ечимлари. -Т.: “Маънавият”, 2015 йил. -32 б.

⁵ Хотамов А. Дунёқараш, билиш, фаоллик. -Т.: “Fan va texnologiya”, 2014, -100 б.

асосий принциплари, инсон ҳукуқлари ва эркинликлари ҳақида маълумот бериш муҳим аҳамият касб этади.

Ўқувчиларга ахлоқий ва ижтимоий қадриятларнинг аҳамиятини тушунтириш фаол фуқаролик позициясини ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Бунда давлат ва жамиятдаги адолат, тенглик, ёрдам бериш ва ҳамкорлик принциплари ўқувчиларга сингдирилади.

Юқори синф ўқувчиларини фаол фуқаролик позициясини қабул қилишга, жамиятдаги ижтимоий ва сиёсий жараёнларда иштирок этишга ўргатиш керак. Танқидий фикрлаш қобилияtlари уларга ижтимоий масалаларга тўғри қарашларни шакллантиришга ёрдам беради.

Педагог ўзининг шахсий намунаси ва фаолияти билан ўқувчиларга кўп нарсаларни ўргатиши мумкин. Уларнинг ҳаётга нисбатан муносабатлари, ижтимоий фаолияти педагогнинг ўқувчиларни фуқаролик тарбиясидаги муҳим омил ҳисобланади.

Юқори синф ўқувчиларининг билиш жараёнлари турли нуқтаи назарларни тахлил этишга ва бу масала бўйича хар томонлама ўйлаган ўз фикрини беришга ёрдам бера олади. Бу ёшдаги ўспиринлар атрофдаги турли воеа-ҳодисалардаги хақиқатни билишга интилади. Уларнинг тайёр ечимлар, маълумотлар эмас, балки шу ечим ва маълумотларни ўзлари мулохаза юргизиб, қидириш жараённиниг ўзи кўпроқ қизиқтиради. Бу борада турли масалалар бўйича баҳс ва мунозаралар юритишга ва уларнинг фикрларини исботлашга жуда қизиқадилар.

Ўспиринлик даврида билиш жараёнларининг ривожи фаол равишда давом этади, лекин, бу ривожланиш ўспириннинг ўзига ва унинг атрофидаги кузатувчиларга кам сезилади. Бу даврга келиб, ўспиринлар тўла равишда мантиқий тафаккурга эга бўладилар, назарий фикр юритиб, ўзларини-ўзлари тахлил эта оладилар. Улар энди бемалол ахлоқий, сиёсий ва бошқа мавзуларда баҳслаша олиб, ўз муносабатларини билдирадилар.

Ўспиринлик даврида болалар жуда кўп илмий тушунчаларни ўзлаштириб, улардан турли масала ва муаммоларни ечишда фойдалана оладилар. Болаларда англаш ва ўз-ўзини англаш сезиларли даражада ўсади. Ўспириннинг ўз-ўзини англаши ўқув, меҳнат ва мулоқот мотивацияларини ўзгаришида ўз аксини топади. Бу даврда, болада янги фаолиятлар юзага келиб, психик ривожланшида янги босқич бошланади.

Ўспиринлик ёши ўқиши, меҳнат, мулоқот сингари етакчи фаолиятлар асосида умумий ва маҳсус лаёқатларининг ривожланаётганлиги билан характерланади. Ўспиринлик даврида билиш жараёнларининг ривожланиши фаол кечади. Лекин, бу ривожланиш ўспириннинг ўзига ва унинг атрофидаги кузатувчиларга кам сезилади. Ўспиринлик даврига келиб, жуда кўп болаларда

ўз фаолиятларини олдиндан режалаштириш лаёқати яхши ривожланган бўлади. Шунингдек, ўз-ўзини бошқариш ҳам ўспиринлик ёшидаги болаларда яққол кўзга ташланади.

Кўплаб тадқиқотчилар томонидан ўқувчи-ёшларда фаол фуқаролик позициясини ривожлантириш омиллари илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилган. О.Муҳаммедова⁶ бўш вақтини самарасиз ўтказаётган ёшларни тўғри йўлга йўналтириб, уларнинг ўз қобилият ва имкониятларига ишонч уйғотиш, уларда мустақил фикрлаш, ўз фуқаролик позициясини намоён этиш кўникмаларини шакллантириш зарур вазифалардан бири эканлигини таъкидлаган ҳолда, ушбу вазифаларни амалга оширишнинг қуидаги бир қатор омилларига эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблайди:

- 1) оиласдаги ижтимоий муҳит;
- 2) мактабгача тарбия ва мактаб таълим муасссааларида тарбиячи ва ўқитувчиларнинг болалар билан олиб борадиган таълим-тарбия ишларининг тўғри йўлга қўйилганлиги;
- 3) маҳалла фаолларининг ёшлар билан олиб борадиган турли хил шаклдаги тадбирлари;
- 4) жамоат ташкилотлари, нодавлат ванотижорат ташкилотлар, сиёсий партияларнинг ёшлар билан олиб борадиган фаолияти;
- 5) оммавий ахборот воситалари орқали берилаётган ёшларни фаолликка ундовчи кўрсатув ва эшиттиришларни янада такомиллаштириш.

Таниқли ўзбек педагоги О.Мусурмонова мустақилликнинг дастлабки йилларида юқори синф ўқувчиларининг маънавий маданиятини шакллантириш мақсадида яратиладиган таълим ва тарбияда қуидаги омилларга эътибор бериш талаб этилишини назарда тутган эди:

- таълим-тарбия мазмуни, шакл, усул ва воситаларининг миллий характеристи;
- ижтимоий омиллар, таълим-тарбия жараёнини инсонпарварлаштириш, гуманитарлаштириш, мустақиллик, эркинлик, ошкоралик ва тенглик;
- ҳудудий омиллар: ўқувчи яшаётган ўлка, маданий қадриятларининг мазмун қамрови, бойлиги, тарихий ўрни ва аҳамияти;
- мактаб ва синфнинг моддий-техника базаси, мактаб қутубхона фонди, музей ва маънавий қадриятларни ўрганиш марказлари; тўгарак фаолиятининг мазмунан ранг-баранглиги⁷.

⁶ Муҳаммедова О. Ёшларда фуқаролик позициясини шакллантириш омиллари. Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институти Ўқув-услубий кенгашининг 2020 йил ноябрдаги 4-сонли баённомаси билан нашрга тавсия этилган “Ёшларда қатъий фуқаролик позициясини шакллантиришда санъат ва гумантар фанларнинг ўрни” мавзусидаги тўплам материаллари. -152 б.

⁷ Мусурмонва О. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбиясиб умумтаълим мактаблари учун. -Т.: “Ўқитувчи”, 1996 й. -192 б.

Тарбия фанини ўқитиши жараёнида юқори синф ўқувчиларининг фаол фуқаролик позициясини ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар бир неча йўналишларни қамраб олади ҳамда улар шубҳасиз, ўқувчиларнинг ахлоқий, ижтимоий ва сиёсий фаолиятини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Қуйида ана шу омилларни кўриб чиамиз.

1. Ижтимоий-таълимий муҳит.

Ўқувчиларда фаол фуқаролик позициясини ривожлантиришда уларнинг ижтимоий муҳити, яъни оила, мактаб ва жамиятнинг таълим-тарбияга қаратилган сиёсатлари муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, мактабдаги таълим жараёнида фуқароликнинг муҳим жиҳатлари, яъни хуқуқ ва бурчлар, жамиятга фойдали бўлиш, экологик ва ижтимоий муаммоларга нисбатан масъулият ҳисси шакллантиришга хизмат қилади.

2. Таълим мазмуни ва таълим жараёнининг ўқувчиларда фаол фуқаролик позициясини ривожлантиришга йўналтирилганлиги.

Тарбия фанини ўқитишида фуқаролик маданиятига оид таълим мазмуни ва методикасининг тўғри танланиши муҳим бўлиб, унда ўқувчиларга ўз хуқуқлари ва бурчлари, демократия, инсон хуқуқлари, адолат ва эркинлик каби принципларни тушунтириш ва уларни ҳаётга татбиқ қилиш йўллари ўргатилиши лозим.

3. Ўқувчиларнинг ижтимоий фаолияти ва маънавий-маърифий ишлар.

Мазкур омилда таълим ва тарбия жараёнида ўқувчиларни ижтимоий фаолиятга жалб этиш кўзда тутилади. Бу жараён ижтимоий лойиҳалар, экологик тадбирлар, ёки хайрия ишлари орқали амалга оширилиши мумкин. Бундай амалий ишлар ва тадбирларда иштирок этиш орқали ўқувчилар жамиятга фаол ва масъулиятли фуқаро сифатида тайёрланадилар.

4. Таълим ва тарбия жараёнида демократик тамоилларнинг устуворлигини таъминлаш.

Оилада, мактабда демократик муҳитни яратиш, ўқувчиларнинг фикр ва қарашларини эшлиши, уларни қарор қабул қилиш жараёнларига жалб қилиш, мустақиллик ва жавобгарлик ҳиссини ривожлантириш фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга хизмат қилади.

5. Умумтаълим мактабларининг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги ролини кучайтириш.

Ўқувчиларга мамлакатимизда муҳим аҳамиятга эга бўлган сиёсий ва ижтимоий жараёнлар, масалан, сайловлар, оммавий тадбирлар ва фаол гражданлик фаолияти ҳакида маълумот бериш орқали уларнинг фуқаролик позициясини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

6. Ўқитувчи-педагогларнинг тарбиявий таъсири.

Маънавий ва ахлоқий тарбия беришда ўқитувчиларнинг ўрни буюк. Улар ўқитувчиларга ўз тажрибалари ва билимлари орқали фаол фуқаролик позициясини шакллантиришда катта ёрдам кўрсатишлари керак. Педагоглар ўқитувчиларга индивидуал ёндашувлар орқали уларнинг ижтимоий ва ахлоқий қарашларини тўғри йўналтиришда муҳим роль ўйнаши керак.

7. Гоявий-сиёсий ва ахлоқий тарбия интеграцияси.

Ўқитувчиларга миллий ва умуминсоний қадриятларни етказиш, уларни ахлоқий масъулият ва жамиятга эътиборли муносабатга тарбиялаш фаол фуқаролик позициясини ривожлантиришда асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Шунингдек, фаол фуқаролик позициясини шакллантиришда ўқитувчиларнинг мустақил фикрлаш ва амалий қарор қабул қилиш қобилиятларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда мустақил фикр, соғлом дунёқарашиб, мустаҳкам ирода ва мафкуравий иммунитетга эга, маънавий жиҳатдан баркамол шахсларгина мамлакатимизда эркин, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш жараёнининг фаол иштирокчисига айланиши, Ватанимиз тараққиётiga муносиб ҳисса қўшиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли Фармони
2. Nishanova Z.T., Kamilova N.G. va boshqalar. Rivojlanish psixologiyasi. Pedagogik psixologiya. -T.: “O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati”, 2018 y, -602 b.
3. Фозиев.Э. Онтогенез психологияси. Назарий-экспериментал таҳлил / -Т.: “Noshir”, 2010, 360 б.
4. Мусурмонқулов 0.Ижтимоий-маънавий муаммолар ва уларнинг ечимлари. -Т.: “Маънавият”, 2015 йил. -32 б.
5. Хотамов А. Дунёқарашиб, билиш, фаоллик. -Т.: “Fan va texnologiya”, 2014, -100 б.
6. Мухаммедова О. Ёшларда фуқаролик позициясини шакллантириш омиллари. Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институти Ўқув-услубий кенгашининг 2020 йил ноябрдаги 4-сонли баённомаси билан нашрга тавсия этилган “Ёшларда қатъий фуқаролик позициясини шакллантиришда санъат ва гумантар фанларнинг ўрни” мавзусидаги тўплам материаллари. -152 б.

7. Мусурмонва О. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбиясиб умумтаълим мактаблари учун. -Т.: “Ўқитувчи”, 1996 й. -192 б
8. Маматханова Н.Т. Талабаларни ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашни ривожлантиришда аксиологик таълимнинг ўрни//Замонавий таълим: илмий журнал.-2021, № 3 (100). 26-31 б.
9. Abdullayev Dilshodbek Yuldashali o‘g‘li. (2023). SHARQ MUTAKKIRLARINING YOSHLARDA FUQAROLIK TARBIYASINI RIVOJLANTIRISH BORASIDAGI PEDAGOGIK QARASHLARI. Proceedings of International Conference on Educational Discoveries and Humanities, 2(3), 245-256. Retrieved from <https://econferenceseries.com/index.php/icedh/article/view/1408>
10. Abdullayev, D. (2023). O ‘QUVCHI-YOSHLARDA FAOL FUQAROLIK POZITSIYASINI RIVOJLANTIRISHNING TARIXIY-MILLIY TARAQQIYOTI. Talqin va tadqiqotlar, 1(6).